

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili



Интизор ЯХШИЕВА,
туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи.

Кейинги пайтда жамиятда ортиқча исрофгарчилик, дабда-бабозлик, шухратпарастлик ва меъёрий сақламаслик ҳолатлари яна кенг авж олиши кузатиляпти.

Хусусан, оилавий тадбирлар, тўй ва маросимларнинг ҳаддан ташқари дабдабали ўтказилиши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига путур етказиб, миллий қадриятларимизга зид қайфиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммоларнинг олдини олиш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда “профилактик” тамойилларга асосланган ҳаёт тарзини қарор топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси.

ДАБДАБА ЭМАС



ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИ МУҲИМ

фаси сифатида қайта кун тартибига киритилмоқда.

Мазкур эғзу мақсад йўлида кучлар бирлаштирилиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида жамиятда маромийлик қайфиятини шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра мамлакатимизнинг барча ҳудудларида белгиланган тарғибот ишларида долзарб 90 кунлик белгилаб олинди.

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари барчани ўйлантирадиган бир рақамни эслатиб ўтдилар. Мамлакатимизда ўтказилаётган оилавий маросимлар, хусусан, тўй маросимларида ҳар йил энг камида 40 триллион сўм харажат қилинаётган экан.

Кишини эсанкиратиб қўядиган рақам бу, аммо ҳақиқат!

Дарҳақиқат, икки-уч соатлик тўй маросими учун бир оила ҳатто ўнлаб йиллар тайёргарлик кўради. Оила учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзидан, меъёрида овқатланишдан, дам олишдан, оила тинчидан, иқтисодий фаровонликдан, энг муҳими, фарзандларнинг таълим-тарбияси, маънавиятидан кечиб қилинади бу ишлар. Майли, соғлиғимизни йўқотайлик, аммо “фалон киши ҳашаматли тўй қилди”, деган ном учун йиллаб йиққанларимизни тўйга сарфлаймиз, майли болаларимиз тўйиб овқатланмасин, сифатли таълим олиш ҳам шарт эмас, данғиллама тўй қилиб элга овоза қилиш муҳимроқ биз учун. Фарзандларимизни олий маълумот олишлари учун қизғанган пулларни эса тўй кунда аямай сочалоқ қиламиз...

Гўё бутун халқ, миллат тўй-ҳашам учун яшаётгандек, тўй-ҳашам, дабдаба ортидан келувчи бир кунлик овозалардан сархуш бўлишдан бошқа нияту орзулари йўқдек. Оилавий тадбирлар, дил изҳорларга ҳам ҳам эътибор қилинг. Бу изҳорлар ҳамиша “тўйларинг кўп бўлсин, топганларинг тўйларга кетсин...” деган ниятлар билан (Давоми 1-бетда)

Муҳтарам Президентимиз: “Халқ кўрсатилаётган тиббий хизматлардан рози бўлса давлатдан, бугунги сиёсатдан ҳам рози бўлади”, дея мудом таъкидлаб келадилар.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг кунин-кеча тиббиёт ходимларининг қасб байрами муносабати билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўлланган табрикларида ҳам Янги Ўзбекистонда янги тиббиёт тизимини ривожлантириш, мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, унинг манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлиги яна бир бор таъкидланди.

Президентимизнинг халқ саломатлиги йўлида жорий этилаётган ислохотларни ҳудудларда тўғри амалга оширишда биз тиббиёт ходимларининг олдига қўяётган вазифаларидан келиб чиқиб, туманимиз аҳолисига сифатли тиббий хизматларни замон талабига мос равишда амалга ошириш, шартшароитлар яратиш доирасида тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда туманимизнинг 128000 нафар аҳолисига 1 та 260 ўринли марказий шифохона, 1 та 250 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника, 4 та 100 қатновли оилавий поликлиника, 6 та 50 қатновли оилавий шифокорлик пунктлари ҳамда 1 та тез тиббий ёрдам станцияси хизмат кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда энг аввало аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизматни янада яқинлаштириш ва уларнинг тиббий хизматдан баҳрамандлигини таъминлашнинг асосий мақсад қилиб олганмиз. Жумладан, ҳар бир маҳалла ва хонадонга кириб бориб, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ғоясини умуммиллий ҳаракатга, тиббий хизматни эса қадриятга айлантириш вазифаси белгиланган бўлиб, бу борада ҳар бир тиббиёт ходимининг аниқ вазифалари жорий этилган.

Тиббиёт соҳасида касалликларни эрта аниқлаш, юқори даражада малакали ташхис қўйиш энг муҳим устувор вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда аҳолининг умр давомийлигини ошириш, соғлом қарилқни таъминлашга қаратилган скрининг дастурлари давом эттирилиб, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш даражаси 50 фоизга етказилиши мўлжалланган. Бунда, айниқса, юқорида эслатиб ўтилганидек, кейинги йилларда оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва 9 та маҳалла тиббиёт пунктлари таш-

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

қил этилиб, аҳолига тиббий хизматларни яқинлаштирилгани биз учун хизматлар сифатини ошириш, шу жумладан, касалликларни эрта аниқлаш ва ташхис қўйишда кенг имкониятлар бераётир. Шунингдек, жорий йилда 134 нафардан ортқк патронаж ҳамшираларининг 30 фоиздан кўпроғи планшет ва аҳолини скрининг текширувдан ўқазиш бўйича зарурий жиҳозлар — патронаж сумкалари билан, икки нафари эса скутер билан таъминланди. Бундан ташқари, марказлашган маблаглар эвазига қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш мақсадида 60 та тиббий бригадалар “Глюкометр” аппаратлари билан таъминланди. Туманимизнинг вилоят марказидан олисда эканлиги эътиборга олинган ҳолда бир миллиард сўмлик 3 донa “Гемодиализ” аппарати ўрнатилгани боис эндиликда оғир буйрак етишмовчилиги билан хасталанган беморлар шу ернинг ўзида диализ олиш имкониятига эга бўлдилар. Натияжада ислохотлар доирасида амалга оширилаётган ўзгаришлар пировардида аҳоли саломатлиги

ни янгилаш, янгидан бинолар барпо этишга алоҳида аҳамият қартиляпти. Шу мақсадда “Ташаббусли бюджет” доирасида 2024 йилда 2 та лойиҳа, яъни қаридолоғия ва қон банки ҳамда аёллар маслаҳатхонаси ва лаборатория бўлимлари учун янгидан бинолар қурилиб (2,6 миллиард сўмлик), тез фурсатларда фойдаланишга топширилди. 2025 йилда ҳам “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида битта лойиҳа амалга оширилиб, барча даволаш муассасаларимиз энг замонавий компьютерлар (1 миллиард сўм) билан таъминлади. Шулар қаторида 2024 йилда давлат дастури асосида барпо этилган Даштиғоз МФЙ ҳудудида 6-сонли оилавий поликлиника, Бибиширин маҳалласи ҳудудида янгидан қурилган 9-сонли оилавий поликлиника ҳамда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида бунёд этилган Тез тиббий ёрдам маркази бугунги кунда туманимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, туманда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда маълум бир ҳисса қўшиб келмоқда.



носабатда бўлиш, яъни, хонадон-ма-хонадон, маҳаллабай юриб касалликларнинг олдини олиш профилактикасини ҳам амалга ошириш, аҳоли орасида тиббий маданиятни ривожлантириш борасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам талаб этиляпти. Ўйлайманки, тиббиёт бирлашма-мизнинг ходимлари бу борада жойларда олиб бораётган кенг қўламли профилактик ишлари ўз самарасини бера бошлайди.

Айни пайтда узоқ йиллардан буён халқимиз хизматида бўлиб, туман аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ибрат бўлиб келаётган реаниматолог Ё.Тўраев, жарроҳлик бўлими бошлиғи У.Мукумов, акушер-гинеколог Ф.Ахмедшина, жарроҳ Х.Саидов, қон банки бўлим бошлиғи Н.Худойкулов, КТМП катта ҳамшираси М.Ҳамроева, ТТП бош ҳамшираси С.Ҳасанова, туғруқ тизими катта ҳамшираси Ш.Холназарова, 9-оила-



ҳар доимгидан яхшиланиб, йил якунига қадар аҳолининг поликлиникаларга мурожаатлари 20 фоизга ортиши, соғлом контингент 43 фоиздан 48 фоизга қадар ортиши, туман даражасида давола-ниш 92 фоизга етказилиши, вилоят ва республика касалхона-ларига мурожаатлар эса 8 фоизга қадар камайишига эришилди.

Бугунги кунгача туманимизда имкониятлар бўлмагани боис вилоят, республика шифохоналари-да амалга оширилаётган муола-жаларни ҳам шу ернинг ўзида амалга ошириш ва беморларга ор-тиқча ташвиш уйғотмаслик мақ-садида қатор ишлар амалга оши-рилиб келиняпти. Бунда тиббиёт муассасаларининг техник базаси-

Бугун кўпчилик тиббий ходим-лар фақат касалхоналар, қишлоқ поликлиникаларида ўтириб фао-лият юритадилар ва ўз касблари-ни бажарадилар, деган тасаввур-далар. Бироқ давлатимиз, Прези-дентимиз томонидан замонавий Янги Ўзбекистон тиббиётини ри-вожлантириш ва рўёбга чиқариш талабларини фақат шифохона-ларнинг ўзидагина ўтириб удда-лаб бўлмайди. Бугун тиббиёт тер-минидида тиббий хизматларни яқин-лаштириш деган ибора ҳам ом-маллашиди. Мана шу талабдан ке-либ чиқиб, аҳолига тиббий хизматларни имкон қадар яқин-лаштириш учун бугунги тиббиёт ходимидан, қайси вазифада бўлмасин аҳоли билан яқин му-

вий поликлиника умумий амалиёт шифокори Н.Шоҳимардонов каби фидойи ходимларимизнинг заҳ-матли меҳнатларидан ҳар қанча фахрланаск арзийди. Ўйлайман-ки, мана шундай фидойи ходим-ларимиз изидан бораётган барча жамоамиз ҳамкорлигида давлати-миз раҳбари белгилаб берган тиб-биёт соҳасидаги ислохотларни ту-манимизда бекаму кўст амалга ошириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашда ўз олдимизга қўйган вазифаларимизни рўёбга чиқариш учун барча имкониятлар ва таж-рибамиздан самарали фойдала-намиз.

Барқамол МУҚУМОВ,
Бойсун туман тиббиёт бир-лашмаси бошлиғи.

ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМ, ШОИР,
АКАДЕМИК ҲАМЮРТИМ ҲАҚИДА

Биз Норхидир билан деярли синфдош эдик. “Деярли”си шуки, у мендан бир синф қуйида ўқиган бўлса-да, мактабдош эмас, синфдошлардек яқин бўлганмиз. 1967 йилда Бойсунда барпо этилган илк замонавий таълим маскани — 47-ўрта мактабда танишган пайтимиз мен иккинчи, Норхидир биринчи синф ўқувчилари эдик.

Балки ўша замонларда бир-икки синф фарқ билан ўқиган талабалар бир-бирига синфдошлардек муомала қилишлари одат бўлгани учунми, бугунгача ҳам ўзимизни синфдош ўртоқлардек тутамиз. Мана, ўқувчилик ортда қолганига ҳам ярим аср бўлганига кара-

май Норхидир вақт топиб Бойсунга келганида мени сўроқлаб топади. Отамлашамиз, Бойсуннинг чанг кўчаларида ўтган олис болалиқни, яхши кунларни эслашамиз...

Норхидир Ҳайдаровда болаликдан шеърятга, адабиётга ҳавас бор эди. Мактаб саҳнасида мен қўшиқ



(Давоми 2-бетда)

O'ZBEKISTON BAYROG'I - MILLIY RAMZIMIZ

tashkilotlar hamkorligida ma'naviy-ma'rifiy uchrastuvlar, sport musobaqalari tashkil etilyapti.

Jumladan, har yilgi an'anaga ko'ra O'zbekiston bayrog'i o'rnatilgan "Avtokarvon" tadbiri tashkil etildi. Tadbir davomida tumanimiz yoshlaridan iborat bo'lgan targ'ibot guruhi shahrimiz markaziy ko'chalari hamda shahar mahallalari bo'ylab yurish qilib, mamlakatimiz davlat bayrog'i, uning tarixi, milliy ramz sifatida tutgan o'rni haqida aholi orasida tushuntirish ishlari olib borishdi.

“Bir Vatan, bir el, bir bayrog’!” shiori ostida butun mamlakatimiz bo’ylab bayroq estafetasi o’tkazish ham belgilangan edi. Ushbu estafeta doirasida viloyatimizning barcha tumanlaridan yo’lga chiqqan faxr va g’ururimiz timsoli — muqaddas davlat bayrog’imiz 11-noyabr kunida Boysun

tumaniga yetib keldi. Shu munosabat bilan Surxondaryo hamda Qashqadaryo viloyatlari tutashgan chegara hududida ham harbiylar, mehnat faxriylari va yoshlar ishtirokida tantanali tadbir bo’lib o’tdi. O’tgan tadbir davomida yoshlar, harbiylar, faxriylar va keng jamoatchilik vakillari Vatan bayrog’ini baland ko’tarib ona Vatanimizga sadoqat, birlik va millatlar birdamligi, tinchlik g’oyalarini ulug’ladilar. Ta’kidlash joizki, mamlakatimiz bo’ylab Bayroq estafetasi tadbiri o’tkazishdan maqsad xalqimiz qalbida milliy iftixor, g’urur hamda Vatanga muhabbat tuyg’ularini yanada mustahkamlashdan iborat.

Shu kuni tadbir davomida Davlat bayrog’i

estafetasi Surxondaryo viloyatidan Qashqadaryo viloyatiga rasmiy tarzda topshirilib, estafetaning keyingi bosqichiga start berildi.

Mazkur tadbirlar qatorida tumanimizdagi maktabgacha ta’lim tashkilotlari, maktablar, kasbiy ta’lim muassasalarida hamda korxona-tashkilotlarda O’zbekiston davlat bayrog’ini targ’ib qiluvchi mashg’ulotlar, intellektual o’yinlar va ma’rifiy tadbirlar ham o’tkazilishi belgilangan. Shuningdek, tuman madaniyat markazida O’zbekiston bayrog’i qabul qilingan kun munosabati bilan tantanali majlis hamda kontsert dasturlari bo’lib o’tadi.


Nodir QULMAMATOV,
tuman yoshlar ishlari agentligi yetakchi mutaxassisi.

ОБУНА 2026 ЎУЛ

БОЙСУН

Азиз

муштариёлар!



2026 йил учун “БОЙСУН”
ГАЗЕТАСИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 20210000400429681001, ИНН:202173689)

Йиллик обуна

Баҳоси — 300000 сўм.

Дарвоқе, ўша пайтлари Норхидирнинг яна икки синфдоши – Файрат Тўракулов ва Хамза Тўраевлар ҳам театр актёрлиги орзусида биздан аввалроқ олийгоҳга ҳужжат топшириб қайтишганди.

Бироқ, ҳаёт иккимизнинг ҳам тақдир битигимизга бошқа нарса ёзиб қўйганлигини билмасдик...

Норхидир Хайдаров ўша йили синовлардан ўта олмади, бироқ Бойсунга ҳам қайтмади. Театр ва рассомчилик олийгоҳида ҳужжатлар қабули бошқа олийгоҳларга қараганда бир муддат аввалроқ тўхтатилиши амалиёти мавжудлигидан беҳабарлигим боис мен ҳужжатларимни топширишга улгурмай ортага қайтдим. Кейинги йили эса ҳарбий хизматга жўнашга тўғри келди.

Шундан сўнг Норхидир Хайдаров билан беш-олти йил кўришмадик. Мен ундан, у мендан, касбу коримиздан беҳабар эдик. Ҳарбий хизматдан сўнг бир муддат ёшлар ташкилотида ишладим. Қўнларнинг бирида бир воқеа сабаб кичик мақола қоралаб туман газетасига жўнатдим. Мақола қисман тахир қилиниб “Нонинг увоғи ҳам нон” сарлавҳа билан чоп этилди. Кейинроқ яна уч-тўртта нарсам туман ва республика газеталарида чоп этилгач устозим (адабиёт ўқитувчи) Фатхулла Намозов журналистика факультетига ҳужжат топширишимни маслаҳат бердилар...

Нихоят, 1985 йилда Норхидир Хайдаров билан Тошкентда учрашдик. Мени ҳайратда қолдиргани, у мутлақо бошқа соҳа – Тошкент Олий милиция мактабининг тергов криминалистика факультетида ўқиётгани бўлди.

-Хавотир бўлманг биродари азиз, - деганди ўшанда рафторимда ҳайратни сезган Норхидир одатдаги ўзига хос жилмайишни қанда қилмай, - ижодни тарки дунё қилганим йўқ. Ҳозирча газета-журналларда чиқиб турибди, китоб қилиш ниятларим ҳам йўқ эмас. А, бу, нега нукул мен ҳақимда сўраб ўзингиз ҳақингизда индамайсиз?

-Демак, дўст кўнгли ранжимасин деб, Яратган сизни болалик ниятларингизни менга раво кўрибди-да, биродар. Мана, ўқияпмиз, Норхидирча ўхшаб журналист бўлайлик деб... Тақдир-да, биродар, тақдир.

Кутилмаганда Норхидир Тошкент кўчаларини бошига кўтаргудек баланд овозда чапанчасига хандон отиб юборди. Елкаларимга туртиб: “Оббо, биродари азиз-е, ҳар тугул сиз ҳам, кабоб ҳам қуймабди-ку, актёрлик ҳам, журналистика ҳам санъат-ку”, дея мулозамат билдиргандек бўлди.

-Криминалистика-чи, - дейман мен ҳам Норхидирнинг кулгусидан завқ олиб.

-Да, да... Ўринли савол. Аммо-лекин ростини айтсам,

ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМ, ШОИР, АКАДЕМИК ҲАМЮРТИМ ҲАҚИДА

криминалистика ҳам, билсангиз, ўзига хос санъат. Бунинг учун ҳам инсон ижодкор бўлиши керак. Қонун ижодкорлиги деган гап бор-ку. Хар ҳолда иккимиз ҳам ижод йўлидамиз, муҳими шу. Шахсан ўзим криминалистика учун ҳам, шеърят учун ҳам вақт, бардош топишимга ишонаман. Дарвоқе, Бойсундан гапиринг, иш, ўқиш билан бўлиб анча муддат ўтолмадим юртга...

Норхидир Хайдаров асосий иш фаолиятини олий милиция мактабини тамомлаган 1989 йилдан Тошкент шаҳрининг бугунги Миробод тумани (собиқ Ленин тумани) ИИБ тергов бўлимида терговчи вазифасида бошлади. Бироқ у аввал бошданок ўз соҳасида илмий иш қилиш ниятлари бўлгани боис Олий милиция мактаби курсантлиги даврида ёзган рефератлари ўлароқ пайдо бўлган гоёлар асосида илмий изланишлар бошлайди. Унга, айниқса, ўша пайтдаги Ўз РЖПҚдаги “гумондор” атамасига бўлган шахсий фикр-муносабати, эътирозлари тинчлик бермай келарди. Шунинг учун ҳам “Илмий иш учун арзирли мавзу” деган фикр шунчаки қоралама қўлёзмаларда қолиб кетмади. Илмий иш ёклаш учун тайёрланган ҳужжатлар Москва адъюнктусига тақдим этилди. Афсуски, 1991 йил августда Совет иттифоқида юз берган давлат тўнтаришидан кейин Тошкентга - ЎзССР ИИБ Олий милиция мактабига қайтарилади. Норхидир Хайдаровнинг ўзи эса Тошкент шаҳар ИИБ Олий милиция мактаби тергов криминалистика кафедраси махсус ўқув ишларини ташкиллаштирувчи кабинет бошлиғи лавозимига ўтказилди.

Янги вазифа анча оғир ва масъулиятли бўлишига қарамай бўлажак олим бир дақиқа бўлса-да илмий изланишларни тўхтатмади. Иттифоқ барҳам топгандан сўнг ЎзССР Ички Ишлар Вазирлиги Олий милиция мактаби қошида очилган адъюнктуранинг илк қалдирғочлари сафида адъюнкт бўлди.

Олий милиция мактабининг Жиноят ҳукуки ва жиноят процесси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлаган йиллари ушбу кафедрага ишга келган юридик фанлари доктори Борис Аронович Миренский унинг илмий ишига раҳбарлик қилишга розилик бергач, у чинакамига илмий иш қилишга қиришди. Қисқа фурсат ичида 2 та ўқув қўлланма, 40 дан ошиб маъруза матнлари, дарс ўтиш режалари тайёрлаб, республиканинг турли газета-журналларида илмий мақолалар чоп эттирди. Бироқ маҳаллийчиликни дардига йўлланган баъзи бир кимсаларнинг иғво ва бўҳтонлари туфайли яна амалиётга қайтишга мажбур бўлди. Оқибатда Олий милиция мактабида бўлаётган

ноҳақликлардан норози бўлган ИИБ ШТБХ Норхидир Хайдаровнинг шахсий йиғма жилдини ИИБ ШТБХ ихтиёрига олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ИИБ аппаратида ишга қабул қилди.

Кейинчалик катта қийинчиликлар билан бўлса-да илмий раҳбар ва адъюнктурадан узилмаган ҳолда илмий ишни давом эттиришга уринди. Нихоят 1996 йилда “Жиноят процессида гумон қилинувчи” мавзусидаги илмий ишининг дастлабки вариантини тугатиб, автореферат чиқариш учун кафедра керак бўлгани боис илмий ишини ЎзССР ИИБ Олий милиция Илмий Кенгашидан олиб Тошкент шаҳар юридик институтида ҳимоя қилишга белгилади. Шундан сўнг тез орада у Ўзбекистон Республикаси Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртининг ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси вазифасига ўтказилди. Ушбу вазифада бўлган чоғларида эса бўлажак илмий ишга доир яна 2 та ўқув қўлланма, монография ва ўнлаб илмий мақолалар муаллифи бўлишга улгурди. Нихоят, узоқ изланишлар ва қийинчиликлардан сўнг 2000 йилнинг 1 сентябрида Тошкент шаҳар Юридик институти илмий Кенгашида “Жиноят процессида гумон қилинувчи” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бундан аввалроқ Ички Ишлар Вазирлигининг таклифи билан Тошкент шаҳар Ички Ишлар Бош бошқармаси тергов бўлими бошлигининг кадрлар масаласи бўйича муовини лавозимига тайинлаган Норхидир Хайдаров кейинчалик 4 нафар фан номзодининг диссертация ёклашида аппонент бўлди. Илмий изланишларини давом эттириб, “Жиноят процессида эҳтиёт чораларини қўллаш” мавзусидаги докторлик иши бўйича ўнлаб долзарб мақолалар чоп эттирди.

Ўз фаолияти давомида мудом ноҳақликлар, адолатсизликларга дуч келган ва ана шу ноҳақликлар домиди виждони, эътиқоди, ўз олдига қўйилган мақсадларидан кечмаган Норхидир Хайдаров бошидан кечирган ташвишлар туфайли оғир касалликлар, руҳий босимлардан узоқ вақт даволанишига ҳам тўғри келди. Ҳатто нафақага чиққандан кейин ҳам ўз олдига қўйган мақсадларини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида докторант бўлиб, докторлик диссертациясини ёзишда давом этди. “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали тахририяти билан ҳамкорлик қилган ҳолда ушбу журнални нашр эттиришда фаол иштирок этиб, унинг саҳифаларида мақолалар чоп эттирди. 2005 йилда эса Адлия вазирлиги ҳузуридаги малака

комиссиясида имтиҳон топшириб, адвокатлик фаолиятини ҳам йўлга қўйди. У ўзининг 20 йиллик адвокатлик фаолияти давомида 2000 нафарга яқин жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни дастлабки тергов ва судларда ҳимоя қилиб, 50 дан ортиқ ёш диссертантларга илмий етакчи бўлиб, уларни ҳимоя ишларига амалий ёрдам берди. Шунингдек, унинг муаллифлигидаги “Одамнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб бериш йўли билан қиёфавий тасвирни чизиш”, “Жиноят процессида гумон қилинувчининг процессуал ҳолати”, “Ҳуқуқий асосларда эҳтиёт чорасини қўллашнинг баъзи жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари” ва бошқа ўнлаб ўқув қўлланмалар, рисоалар яратилди ва улар бугунги кунда ҳам ҳуқуқ соҳасида кенг қўлланилмоқда.

Норхидир Хайдаровни яқиндан билган, болалик ва ўсмирликда даврини бирга ўтказган, қолаверса, ижодий ҳамкор ва ҳамфикр инсон сифатида унинг фақат ўз касби доирасидаги фаолияти ҳақида гапириб, болалик орзу-ниятлари – бадий ижоди хусусида эсламаслик, очиги мен томонимдан ноинсофлик бўларди, албатта. Зотан, Норхидир бутун меҳнат фаолияти, умрини ҳуқуқ соҳасига бахшида қилганига қарамай болалик ҳавасларига содиқ қолгани, шоир, ёзувчи, публицист сифатида сермахсул ижод қилгани, ҳатто кейинги пайтда драматургия соҳасига ҳам қўл ураётганлигини билиш, менингча, газетхонларимиз, унинг юртдошлари учун ҳам қизиқ бўлса керак.

Мақола аввалида тугилиб ўсган гўшасига бўлган соғинч Норхидир Хайдаровни тез-тез Бойсунга, яқинлари ҳузурига қорлаб туриш ҳақида тўхталиб ўтгандим. Айниқса, ижодкор бандаси борки, тугилган гўшасига талпинади. Дунёнинг қайси пучмоғида, кунжида бўлмасин вақт, имконият топиб боришга, олисда қолган болалиғи, беташвиш, бекин, ғуборсиз ўтган ёшлик дамларига қайтишга, қондошлар даврасида бўлиб уларнинг меҳридан қонишга интилади.

Истаймизми йўқми, ижодкор аҳлининг тугилган гўшасига бўлган соғинчи бошқалар соғинчига ўхшамайди. У соғинччи сўз билан-да ифодалашнинг ҳам имкони йўқ. Норхидир Хайдар ҳам шу – Бойсунни соғинади, Бойсунга талпинади, келиб дўсту биродар, яқинлари меҳридан тўяди. Қайтишда ўша меҳрдан бир чимдим-бир чимдим ўзи билан олиб кетади. Вақт ўтиб ўша меҳр сатрларга, мисраларга кўчади, Ватан, юрт, у билган, таниган инсонлар, уларнинг характерлари, аъмоли тисолида яхши асарларга айланади...

Шоирман, ёзувчиман деганинг тақдирига, аъмолига битилган қисмат бу!

Норхидир Хайдар ўтган йил ҳам Бойсунга одатдагидек, бир қучоқ китоблар билан келди. Мактаблар,

кутубхоналарга кириб, ёшлар билан ижодий гурунлар ўтказди, китоблар улашди. Марказий кутубхонада бўлиб ўтган ижодий учрашувда ёшларни китобхонликка қорлаш баробарида зиё масканига ўз китобларидадан анчагина совға қилди. У ўтирган давра, иштирок этган маънавий тадбирлар ҳамиша шеърхонлики билан бошланиб, шеърхонлик билан тугайди. Бундай давраларда у чин ижод ахлига, шоирга айланади. Асл касб-ҳоли – юристлик унутилади. Адабиёт, шеърят, китобхонлик бош мавзуга айланади.

“Ай, биродарим, шу, Бойсунда бўладиган ижодий учрашувлардан мазза қиламанда. Каттаси ҳам, кичиги ҳам ижодкор буларнинг. Қайси таълим масканига борсанг ўзининг ёш шоири, ёзувчиси бор. Фахрланаман, ҳавас қиламан. Мен тугилиб ўсган юртинг ёш Усмон Азимлари, Эркин Аъамлари ўсиб воёга етаётганлар”.

Шоир ҳамюртимизнинг Бойсун ва бойсуникларга, тугилиб ўсган юртинг бугунги, ўзига хос кичик адабий-маданий муҳитига берган ҳолисона баҳоси бу.

Бутун меҳнат фаолияти давомида фақат масъулиятли вазифаларда ишлаб туриб, ўндан ортиқ бадий ва илмий асарлар яратишга улгуриш – бу чинакам маънода Норхидир Хайдарнинг ижодий маҳоратининг маҳсули дейиш мумкин. Бугунги кунгача, айниқса, унинг “Хотира”, “Юртим наволари”, “Умид ёғдуси”, “Эрк ва озодлик учун курашганлар”, “Умидворлик”, “Ҳаётга боқиб”, “Кузги хаёллар”, “Бу ҳаётда изланиш керак” номли шеърый ва насрий тўпламлари ҳамда “Бойсуниклар шажараси” номли рисоласи кенг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Айни пайтда янги – “Ҳаёт бумеранг” номли шеърый тўплами босмадан чиқиш арафасида. 2021 йилда чоп этилган 350 саҳифадан иборат “Тошкент шаҳар ички ишлар органлари: кеча ва бугун” номли китоб-албому эса Тошкент шаҳар ички ишлари Бош бошқармаси фаолиятидан ҳикоя қилади.

Шоир билан бўлган гурунларимиздан бирида драматургия соҳасига қўл ургани хусусида қизиқиб сўрадим. Муқаддам Бойсуннинг Омонхона қишлоғида мангу макон топган Ҳазрати Султонни Вали ҳақида маълумотлар йиғайтгани ва шу асосда пьеса ёзишни режа қилаётганлигидан хабарим бор эди.

-Ҳа, энди бу ҳам бир ҳавас-да, биродари азиз, - дейди камтарлик билан шоир. – Авлиё Султонни Вали балоғардон ҳақида бир нималар излаб топганим рост. Пьеса ҳам тайёр ҳисоби. Ўзи қувват берган бўлса босмадан чиқиб қолар. Аммо

очиги, ҳали анча ноаён нарсалар ҳам йўқ эмас. Балки келгусида қўшимча маълумотлар топила қайта тўлдиришим ҳам мумкин.

Гарчанди Норхидир Хайдарнинг олис тоғлар бағридан пойтахтга илм излаб боргани, ўзига хос катта илмий жамоадан жой олиш ва унғача бўлган даврларда дуч келган тўсиқлар, чеккан заҳматлари, кўрган, бошидан кечирган адолатсизликларининг аксариятидан тенгдош ҳамюрт сифатида анчагина хабардор бўлсам-да, мазкур мақолада батафсил келтириб ўтишни жоиз топмадим. Зотан, у замонлар ва ўша ҳаёт зарбалари энди олис тарихга айланган ва бу тарих фақат Норхидир Хайдарнинг ҳаётда кўрган-билган сир-синоатлари, шахсий “мулки” бўлиб қолиши маъқулроқ туюлди менга.

Норхидир Хайдаровнинг меҳнат фаолияти ва ҳаёти инсон ўз олдига қўйган мақсад ва гоёларига интилиши, мақсадлари орқали бекиёс натижаларга эриша олиш ва бу йўлда учраши табиий ҳол бўлган ҳар қандай тўсиқларни енга билиш исботи тариқасида бошқаларга, айниқса, бугунги ёшларга ибрат бўлғулик ҳаётий мактабдир. Зеро, бугунги кунга келиб бу мактаб энг юқори минбарларда ҳам, илмий доираларда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Ана шундай эътирофлардан бири эса Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, Турон Фанлар академиясининг 2025 йил сентябрдаги 1/09-25-қарори билан Норхидир Хайдаровга Ўзбекистон Республикаси Турон Фанлар академиясининг академик унвони берилганлигидир. Ҳуқуқшунос олим ва шоир ҳамюртимиз ушбу унвонга унинг илмий татқиқотлар ва адабиётдаги фаол иштироки, ташаббускорлик фаолияти, илмий, адабий-бадий нашрлар ҳамда китоблар ва ўқув-услубий қўлланмалар тайярлашда эришган муваффақиятлари учун муносиб кўрилди.

Ҳамюртимизнинг бу каби катта унвонга муносиб кўрилгани ва унинг кўп йиллик фаолияти, ижодий заҳматлари йирик халқаро илмий доираларда эътироф этилгани биз бойсуниклар учун ҳам шараф ва ифтихордир.

Даврон ОРИФ.
ТАХРИРИЯТДАН:
Барча Бойсун эли қаторида газетамизнинг ижодий жамоаси ҳам Норхидир Хайдарни академик макоми ва юксак унвон билан муборакбод этади!

BOSHLANG'ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

Matematika fani darslarida interfaol usullardan foydalanish so'nggi yillarda ommalashtirib bormoqda. Pedagoglar o'quvchilarni qiziqitirish va ta'lim natijalarini oshirishning innovatsion usullarini izlamogda. Jumladan, interfaol metodika darslarini yanada oshirish matematika darslarini o'quvchilarga masalalar ustida ishlash va ko'nikmalarni rivojlantirish usullaridir. Bu metodlar o'quvchilarning dars jarayonida ishtirok etishini ta'minlashning zamonaviy usuli bo'lib, dars atmosferasini qiziqarli qilish va ma'lumotlarni o'rganishda o'quvchilar uchun qulaylik yaratishga yordam beradi.

Interfaol usullar turli shakllarda bo'lishi mumkin, masalan, interaktiv darslar, o'quv materiallarining onlayn platformalarida bo'lish, kompyuter

dasturlari yordamida mashqlar dasturlarini ishlash kabi. Eng muhimi, bu metodlar oquvchilarni motivatsiyalashda muhim rol o'ynaydi.

Interfaol usullarni qo'llash boshlang'ich sinf matematika darslari uchun ham juda muhimdir. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar asosan matematik tushunchalar va amallar bilan tanishadilar. Bu bosqichda matematika fanini o'rganishning muhim jihatlardan biri muammolarni hal qilish uchun turli usullardan foydalanishdir. Ushbu usullar o'quvchilarga amallarni yaxshiroq tushunishga yordam beradi va muammolarni bartaraf etishni osonlashtiradi. Bunday usullarga diagrammalar, grafiklar kabi ko'rgazmali qo'llanmalardan foydalanishni misol qilish mumkin. Virtual darslar va onlayn platformalar orqali esa o'quvchilarda darslarni tez va qulay o'zlashtirish, ko'nikmalar hosil qilish imkonini berishi bilan

farqlanadi.

Interaktiv dars modellarining qo'llanishi o'quvchilarda masalalarni yechishda mashq qilish va fikrlashga samarali yordam beruvchi eng zamonaviy usullardan biri hisoblanadi. Ayniqsa, kompyuter dasturlari va onlayn platformalar matematika fani mashq'ulotlarini interaktivlashtirishda bir qancha qulayliklar yaratadi. Matway, Kban, Academy resurslar o'quvchini o'zining tempida darslarni o'zlashtirishini ta'minlashga yordam beradi. Faqat interfaol metodlarning samaradorligi yuqori bo'lishi uchun o'rganuvchilarni qatnashuvchi darslar va tajribalar bilan almashib turish lozim.

Xulosa qilib aytganda, bugun barcha sohalarida bo'lgani kabi ta'limda ham eng zamonaviy texnologik usullarni tatbiq etish davr talabidir. Xususan, ta'lim sohasida interfaol metodlarni joriy

bilan bog'liq murojaatlarinigizni mutasaddi rahbarlardan tashkil topgan shab aъzolariga quyidagi raqamlar orqali etkazishingiz, mavjud muammolarni aniqlash va ularga tezkor echim topishda ўз хиссангизни қўйишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

Бойсун тумани марказий штаби: (76) 335-17-33 (24 соат).

Штаб раҳбари: Отабек Юлдашев, туман ҳокимининг қўрилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, комунал хўжалик, экология ва кўкаламазорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари. Тел: 99-588-22-28.

Штаб котиби: Хусниддин Нажмиддинов- туман ҳокимлиги бош мутахассиси. Тел: 97-840-09-60.



etish nafaqat ta'lim tizimini xalqaro standartlar talablariga moslashtiradi, balki bugungi yosh avlodning ma'naviy saviyasini o'zlashtirishda muhim rol o'ynaydi.

Pardaxol MAMATRAMOVA, Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, pedagogika fakulteti sirtqi bo'lim, boshlang'ich ta'lim, 4-bosqich talabasi.

bilan bog'liq murojaatlarinigizni mutasaddi rahbarlardan tashkil topgan shab aъzolariga quyidagi raqamlar orqali etkazishingiz, mavjud muammolarni aniqlash va ularga tezkor echim topishda ўз хиссангизни қўйишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

Бойсун тумани марказий штаби: (76) 335-17-33 (24 соат).

Штаб раҳбари: Отабек Юлдашев, туман ҳокимининг қўрилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, комунал хўжалик, экология ва кўкаламазорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари. Тел: 99-588-22-28.

Штаб котиби: Хусниддин Нажмиддинов- туман ҳокимлиги бош мутахассиси. Тел: 97-840-09-60.

“Мен январ ойи бошларида

ишдан бўшатишга эдим, Судга ариза берсам бўладим, даъво муддати ўтиб кетмаганим, чунки орада прокуратура ва бошқа органларга мурожаат қилдим, уларнинг жавобини кутдим”.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 560-моддаси 1-қисмига кўра, яқка тартибдаги меҳнат низоосининг кўриб чиқиши учун судга мурожаат қилишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

-ишга тиклаш тўғрисидаги низолар – 3 ой;
-ҳодим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар бўйича – иш берувчи зарар етказилганлигини

аниқлаган кундан эътиборан – 1 йил;
-бошқа меҳнат низолари бўйича – ҳодим ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан – 6 ой.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 560-моддаси 1-қисмига кўра, яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича судга бериш муддатининг ўтиши яқка тартибдаги меҳнат низоосини медитация тартибида кўриб чиқиш даврида тўхтатиб турилади. Шунингдек, 03.07.2018 йилдаги ЎРҚ-482-сон “Медитация тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига кўра медитация тартиб-таомили амалга

ЮРИСТ МАСЛАҲАТИ

оширилайётганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) агар даъво кўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқултда ҳодиса (енгиб бўлмас қуч) тўсқинлик қилган бўлса;
2)Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирганлиги (мораторий) туфайли;
3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуrolли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

4)агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;

5) тегишли муносабатни

тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатининг амал қилиши тўхтатилган бўлса;

6) медитация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилган тақдирда.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилсак, прокуратура, адлия органларига, меҳнат инспекциясига ёки бошқа органларга мурожаат қилганда даъво муддати ўтиши тўхтаб турмайди, даъво муддати ўтаверади.

Искандар САФАРОВ, Бойсун туман адлия бўлими ЙҲКМ бош юрисконсулти.

Дунёнинг барча ривожланган давлатлари қаторида мамлакатимизда ҳам бутун жамиятни, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётини издан чиқариши мумкин бўлган энг хавли иллат – коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон бу борада бир қатор самарали ташаббусларни амалга ошириб, коррупцияга оид халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш баробарида, қонунчилигимизга оид ҳужжатларни ҳам қабул қилиб, уларни самарали амалга оширилиши таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистон Рес-

публикаси давлат сиёсатининг йўналиши сифатида белгиланди.

Ушбу қонун билан коррупцияга қарши курашиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари (Бош прокуратура, ДХХ, ИИБ, Адлия Вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти) тизими, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, жазо муқаррарлигини таъминлаш ва бу борада халқаро ҳамкорликни таъминлаш чора-тадбирлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini тако-

Ўсимликлар зарарли организмларнинг кузги ва баҳорги назорати икки қисмдан иборат.

Кузда (ноябр) қишгача зараркунандалар қанчалик тарқалганини баҳолаш мақсадида кузатувлар ўтказилади. Баҳорда эса улар қишдан (феврал) қандай чиққанини ва ҳосилга қанчалик хавф солиши мумкинлигини аниқлаш учун иш олиб борилади. Ер қовлаш ишлари зарарли организмлар қишлаш учун ер остига ўтганда уларнинг сони ва турларини аниқлашга қаратилган. Бу ишлар зараркунандаларнинг тарқалишини ва уларга қарши қандай чоралар кўришни белгилаш учун муҳимдир.

1.Зараркунандаларнинг мавжудлигини аниқлаш: Майдондаги зараркунандалар турлари ва уларнинг қишлаш учун қандай фазада эканлигини аниқлаш.

2.Қишга тайёргарлик даражасини баҳолаш: зараркунандалар қишлаш учун қайси чуқурликда ва қандай ҳолатда жойлашганини билиб олиш, бу эса уларнинг қишда яшаб қолиш имкониятини баҳолашга ёрдам беради.

3.Келгуси мавсум учун зарар-

кунандалар сонини прогноз қилиш: қишлашга кирган зараркунандалар сонини аниқлаш орқали, келгуси вегетация даврида улар қанчалик хавф туғдириши мумкинлигини прогноз қилиш.

4.Самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш: ер қовлаш натижаларига асосланиб, келгуси мавсумда зараркунандаларга қарши қандай профилактик ва кураш чораларини кўришни режалаштириш мумкинлиги.

Тупроқда яшайдиган зараркунандаларни ҳисобга олиш майдонларини қовлаш усули орқали амалга оширилади. Турнинг биологик хусусиятлари ёки унинг онтогенез ривожланиш босқичига қараб, кичик (10 сантиметргача), ўртача (45 сантиметргача) ва чуқур (45 сантиметрдан ортик) қовлаш усули қўлланилади. Кичик ўлчамдаги қовлаш ишлари чигирткалар тухум кўзачалари ва ғалла зараркунандалари каби фаол озиқланадиган зараркунандаларнинг личинкаларини аниқлашда ишлатилади.

миллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, 2024 йил 6 декабрдан қучга кирган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ҳам жамият ва давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек, коррупция каби салбий ҳолатларни бартараф этишда сезиларли ўрин эгаллайди. Хусусан, ушбу қонун билан манфаатлар тўқнашувининг олди-

ни олиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларига нисбатан чекловлар белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунлар доирасида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўриниши учун жазо муқаррарлиги белгилаб қўйилган. Масалан, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга мувофиқ давлат органининг иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига огдириб олиш БХМнинг ўттиз бараваригача миқдорда жараима солишга сабаб бўлади. Амалдаги Жиноят Кодексида эса пора олганлик ёки пора берганлик ва пора

олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жиноий жазолар белгиланган. Хусусан, пора бериш-олиш ва пора олиш-бериш воситачилик қилиш тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Албатта, мавжуд қонунлар мамлакатимизда қонуний негизни мустаҳкамлаш, давлат дастурлари асосида коррупцияга қарши курашиш учун тизимли чора-тадбирлар олиб боришда асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади. Бирок, шулар қаторида фуқароларда ҳам коррупциявий ҳолларга нисбатан муросасизлик қучай-маса, қонунларга амал қилиш маданияти шаклланмаса, қутилган

натижага эришиб бўлмайди. Яъни, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, бу борада энг аввало аҳолининг барча қатламида “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиш ҳолати пайдо бўлсагина, ўз олдимизга қўйган марраларга етишиш мумкин. Яъни, жамиятда ҳалоллик, ўз вазифасига масъулият билан қараш ҳисси, муҳими, давлат манфаатини шахсий манфаатдан устун қўймаслик муҳити мустаҳкам шакллансагина бутун дунёни хатарга қўяётган коррупция балосига дадил қарши туриш шубҳасиз.

Нодир МАМАДИЕВ, Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи.

КУЗГИ ЕР ҚАЗИШИ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Тупроқ қовлаш (қазиш) асосан учта усулда амалга оширилади. Кузги қазиш - ҳаво ҳарорати зараркунандаларнинг турига қараб тупроқ ҳарорати 9 даражага пасайганда олиб борилади (тупроқ музлашидан олдин, баъзан ўсимликлар вегетацияси вақтида ёки ҳосил йиғиш даврида). Бу қазиш ишларининг мақсади – майдонда ўсимлик зараркунандаларининг мавжудлигини аниқлаш қулай об-ҳаво (ёмғирсиз) шароитида ўтказишдан иборат.

А.КЕНЖАЕВ, С.МАХМУДОВ, Бойсун туман Ўсимликлар карианти ва ҳимояси инспекторлари.



Суратда: туманимиз Ўсимликлар карианти ва ҳимояси инспекторлари томонидан кузги ер қазиш ишлари олиб борилмоқда.

шем, оё ба ин шўғле, ки дар зиндағи чун обу ҳаво зарур аст, риоқ кардаем? Ҳеҷ гоҳ! Дар ин рўзҳои сардарғумиҳои зиндағи ба чўз телефонбўзи шўғли дигаре надорем. Кош аз телефон самаранок истифода мекардем. Кору борамон барои дидани ҳар гуна амалҳои фаҳшу ночўя масраф мегардад. Худатон одилона, оқилона биандешед? Оё ин ба манфиати кор аст? Ҳаргиз! Солҳои охир ҳама аз китобхондан даст кашидаанд. Боиси таассуф, ки омўзгорон ки ҳарчанд дар баробари тарбияи шоғирдон, бояд китоб хонанд, аз ин кор битамом даст кашидаанд. Ҳатто аксарият аз рўзнома ва маҷаллаҳои, фаннии худ обунашудан рў метобанд. Шумо худатон бофаросат биандешед, ки омўзгор бидуни нахондани ин дастурҳои муфид чӣ гуна ба шоғирдоннашон сабақ меомўзонад? Дар бораи маҷаллаву рўзнома обуна шудан гап қушоед, ба дахонатон санги маломат мезананд, ки аз гуфтаи худ сад пушаймон мегардед. Худатон биғўед, ки бо ин тарзу усул шоғирдон ба қадом марраҳои илму дониш комёб шудан имкон пайдо хоханд кард.

Ба қарибӣ, нашриёти “Сурхон-нашр” китоби раиси иттифоқи касаба вилояти Сурхондарё Абдукарим Аҳмедовро бо номи “Қасаба уюшмаси ва менинг ҳаётим” (Иттифоқасаба ва ҳаёти рўзгори ман) аз чоп баровардааст. Дар китоби мазкур Абдукарим Аҳмедов аз таърихи гузаштаи ин ҷамоаи бонуфуз, аз даврони инқилоби шўравӣ, дар ҷум-

оқил ба ҷо меоранд. Гоҳҳо ў аз муносибати самимии онҳо болидаву рўҳи тоза мегирад ва ба худ болида-болида меғўяд: “Ҳеҷ коре ба чўз ба мардум неқӣ кардан, воло набошад”.

Абдукарим Аҳмедов дар ин китоб аз ҳаёти наврасӣ ва ҷавонии хеш нақлҳои хотирмон ва сурурангезро нақл мекунад. Абукарими ҷавон дар оилаи кишоварзи оддӣ ва дунё омада, баҳори зиндагиаш дар деҳаи зебоманзари афсонави Даштинабод ноҳияи Сариевӣ гузаштааст. Падараш иштироқдори Чанги Бузурги Ватани. Оилаашон чун мисли дигар рустоён оддӣ буд. Бачагиаш дар сари дашту, ёлаҳои сабзпўши ин диёри афсонавӣ, рўзҳои дароз бо ҳамтоёнаш дар ин макони зебоманзар молпой қарда, беғоҳӣ аз лоларузақҳои пуштаҳову ёлаҳо як доман чида, чун тўфает ба модар хушгили худ мебахшид. Айёми бебоғашти бачагиаш ҳамин сон дар ин гўшаи сарсабзу хуррам пайсиар мегардад. Бобояш Аҳмадпахлавон Абдукаримро хеле дўст медошт. Аслан, авлоди бобояш аз деҳаи Қаратоғи Ҷумҳурии Тоҷикистон буда, ба ин манзили макон кўшида меоянд. Бобояш бо қосиби шўғл варзида зиндагии хешро бо матобофӣ мегузаронад. Муаллиф дар ин китоб хотираҳои хешро чунин ба ёд меорад: “Ман бобоямро хеле дўст медоштам. Боре ў гуфт, ки ман шаби ҷумъа ба дунё омадаам. Айёми зимистон марги ман дар ҳамин айём фаро хоҳад расид. Пагоҳӣ офтоб мебарояд ва пас чанде барф бо шиддат оғоз мекунад. Соли 1967. Зимистон ҳукм меронд. Рўзи ҷумъа буд. Дар оғози рўз офтоби бачақув баромад. Заҳри ҳаво хеле хунук. Пас аз чошт обу ҳаво тағири авзо карду барф борид. Бобоям Аҳмадпахлавон дар синни 87-солағӣ қон ба зоти ҳақ таслим намуд. Тасодуфи тақдирро бинед, ки рўзи таваллуди банда дар айёми зимистон ба вуқӯ омадааст. Муаллиф дар хотираҳои хеш дар бораи модараш чунин нақл мекунад: “Модарам Аҳмадова Турсуноӣ дар оилаи Ҳайитбой ном дуредгар ба дунё меояд. Падарам пас чанг дар колхозии “Правда” ғисбчи, муовини сарҳисобчӣ шуда кор мекард. Пас аз чанд сол ўро аъзоёни колхоз ҳамчун марди соҳиб-таҷриба раис таъин мекунад.

Ў шабу рўз кор мекард. Барои ў рўзу шаб фарқ надошт. Ҳама зану мард наврасон дар колхоз заҳмат мекашиданд. Модарам низ мисли дигарон дар саҳро ниҳоли пахтазорро парвариш мекард. Дар мавсими пиллапарварӣ дар қатори дигарон кирмак мепарварид. Ҳеҷ гоҳ хўҷани ман раис гуфта, иддао намекард. Дар баробари ин, 8 нафар наврасонро дар оила парвариш мекард. Ҳеҷ гоҳ аз зиндағи шикоят надошт. Ҳоло он рўзгори душвори модари азизамро ба ёд оварда ба матонат ва иродаи оҳани ў тан медиҳам ва дар назди модари ғамхору ғамбарори хеш худро як умр қарздор меҳисобам”.

Ҳа, хидмати модарон беҳудуд аст, заҳматҳои бегазанди онро мо, бояд қадриносии кунем. Ҳамин тариқ муаллиф дар бораи солҳои мактабхониаш устоди аввалинаш, шароити мактабашон қиссаҳо мекунад. Абдукарим Аҳмадов дар бораи устодонаш Ҳумоиддин Шарофиддинов, Ҷўра Норалиев, Шароф Рашидов, Абдуҳаким Бердиев ғамхориҳои бевоситаи Шавкат Мирзиёев нақлҳои аҷибу хотирмон ва ибратбахшро барои хонандагон нақл мекунад. Ин хотираҳо қас ҳонда, беихтиёр ба хулоса меояд, ки муаллиф дар натиҷаи меҳнатдўстӣ ва садоқати бепоёнаш ба ин арсаи эъзозу эҳтиром расидааст. Ман гумон мекунам, ки ҳар қасе ин китобро хонад, аз нақлҳову хотираҳои ибратангез гирифтнан, боз дарси садоқат, муҳаббат, дўстиву рафоқат барин хислатҳои ҳамадаи инсонро аз нақлҳои ин роҳбари доно меомўзад.

Аз ин гуфтаҳо мақсад он аст, ки ҷавони навхат бардавом чунин китобҳои ибратангезро хонда ҳаёти чунин мардонни донову зукорро омўхта, дар таҷрибаи рўзгори ояндаи хеш фаровон ба ҳарч диҳанд, ба манфиати онон файсала хоҳад шуд.

Нуралӣ РАҶАБ.

Даркушой ҳамаи муаммоҳои рўзгор китоб аст. Аз ин лиҳоз ҷавонон бояд бештар мутолиа қарда донишу малакаи рўзгори хешро рӯ ба парвоз ниҳанд. Онҳо он замон ба комёбиҳо мушарраф хоханд гашт.

Ҳанўз ҳазор сол қабл аз ин Абуабдуллоҳи Рўдакӣ малукушуарои дарбори Сомониён гуфта буд:

Бирав, зӣ таҷрибаи рўзгор баҳра бигир!

Кӣ баҳри даъфи ҳаводис туро ба кор ояд!

Воқеан, шоир дар ин маврид барҳақ таъкид қардааст. Чун инсон тавлид гашта ба рўзгори пурҳаёди қадим мениҳад, ўро мушкилиҳои зийёде пеш меояд. Инсон хоҳу ноҳох аз пешомадҳои рўзгор дар мемо-над. Меҳоҳад ин пайраҳои рўзгорро ба осонӣ паймоёд. Фарде, ки аз рўзгори пайсиаргаштаи хеш таҷриба андўхта буд, ин роҳи мушқилро ба осонӣ тайқарда, ба комёбиҳо мушарраф мегардад. Оне ки аз тўли зиндағи сарсарӣ умр ба сар бурда буд, ў ба мушкилиҳо рўбарў шуда дар зиндағи оосиш намеёбад. Аз ин лиҳоз, Рўдакии бузургвор мо, одамони осиро хушдор медиҳад, ки дар ин дайри ду даҳр баҳудаву беҳуда рўзгори хешро кўр намекунем, аз ҳар пастиву баландии он таҷриба андўзем, ба ҷаҳон гирду атрофи он, бо чашми хирад бингарем, ки сахтиҳои он моро рўзе ба коми хеш фуруҳоҳад бурд. Бадин хотир ин панди бузургвори ақлу хирад ҳазорсолҳо боз зиндаву ҷовидон аст.

Ҳар сол ҳукумати ҷумҳурӣ, Президенти кишварамон баҳри беҳбудии рўзгори ҷавонон даҳҳо вохўриҳо гузаронида чӣ гуна беҳтару хуб зиндагикардани онро аз таҷрибаи рўзгори гузаштагон ва ҷаҳон оғоҳ мекунад ва баҳри беҳбуди зиндагиашон қарорҳои махсус интишор намуда, баҳри ривочу равнақи корҳои тичоратӣ, ободӣ ва дар тарақиёти мунтазами Ватанамон як қатор имтиёзҳо фароҳам меоранд. Бояд ҷавонон аз ин имкониятҳои фарогирифта, чашми хирад боз кунанд ва роҳҳои умдатарини онро интиҳоб намуда, кору пайкор кунанд. Чуноне ки дар сатрҳои болоӣ арз қардем, аз ҳама ин имкониятҳо таҷрибаи рўзгор боло мебошад. Дар ин бобат олими психолог, иқтисодчӣ ва яке аз сармоядорони Осиёи Марказӣ профессор Саидмурод Давлатов дар дарсҳои амалии хеш ва вохўриҳояш бо ҷавонон ва соҳибкорон ин нуқтаро тақрор ба тақрор таъкид мекунад. Номбурда аз ин лиҳоз ҳамеша аз таҷрибаи хеш ва бойҳои дар ин кор аз ў пешрафта нақло мекунад. Саидмурод Давлатов ҳар гоҳ бо соҳибкорони навомўз ва камтаҷриба таъкидан меғўяд: “Пулро бояд баҳри ишқамсеркунӣ масраф накунем, онро баҳри ривочу инкишоф таҷрибабиниамон ба ҳарч диҳем. Он замон мо, ба ҳамагуна муваффақиятҳои кору рўзгор комёб хоҳем гашт”. Дар яке аз вохўриҳо як ҷавонмарди бекоботии вилояти Тошкент гуфт, ки дар оғоз ман ба сармояи беҳисоб соҳиб гаштам ва пасон онро бемақсад истифода қардам, дар охир қасоду муфлис гаштам. Рўзе аз бекорӣ китобҳои олими шинохта Саидмурод Давлатовро ба даст гирифта хондам. Баъди мутолиаи китобҳои ин олим, бандатаҳоҳои муфлис гаштани хешро дарк қардам. Ниҳоят, аз бонк 10 миллион қарз гирифта, ба дарсҳои ин олими ҳамадон ширкат варзидам. Дарсҳои ин олими нуқтасанҷ дар олами сармоядоршавӣ асрори бисёр сирхоро ба ман боз қард. Пас аз он, ман аз нав ба кор оғоз қардам. Сад ташаккур, ки ҳоло дар ин ҷода қад ба боло саркашидам. Ҳамеша дуои ҷони ин марди хирадро мекунам, ки ба монанди ман садҳо-ҳазорҳо одамон дар ин роҳ роҳнамо шудааст. Аз хотир, ман мисли Саидмурод Давлатов меғўям: “Мо бояд пулро баҳри ишқамсеркунӣ масраф накунем, ҳар чӣ тавонем, баҳри васеъқардани ҷаҳонбинии хеш кўшем. Агар мақсади сармоядор шудан дорем, шабу рўз бояд китоб хонем. Таҷрибаи одамони оламшумул, олимон, муаррихон ва дигар одамони дар таърих маълуму машҳур омўзем. Дар баробари омодаи кору рўзгор пайваста китоб хонем”.

Дўстони азиз, ин гапро як нафар сармоядори машҳури бекаботи аз таҷриба хеш нақл мекунад. Агар мо, аз ин нуқтаи назар бианде-

БИРАВ, ЗӢ ТАҶРИБАИ РӢЗГОР БАӢРА БИГИР!



хурии Ўзбекистон то кунун бо як эҳсосоти баланд нақл мекунад. Ман ҳамчун як қаламқаш аз даврони фаёлияти рўзноманигориам дар рўзномаи “Овози тоҷик” ва баъдан низ медамон, ин марди хушғуфтору солор, зийёда 26-сол боз ин муассасаи бонуфузро сарвари мекунад. Бо пастиву баландҳои рўзгор тоб оварда, баҳри некуаҳволии мардуми воҳаи Сурхон дар таппу талош аст. Ин марди нақўном хушбахтии мардумро дар хушбахтии хеш мебинанд. Ҳамеша талош меварад, ки одамон хўшрўзу саодатманд зиндағи кунанд, агар онҳоро муаммое ё мушкилии коре пеш ояд, бе ҳеҷ истиҳола дар роҳи ҳалли он саҳм мегардад. Дар зиндағи шиори ў мароми ў, ба одамон некиқардан дастӣ фитодаеро гирифтнасту ҳалос.

Аз ҳамин хотир ў, ўро ҳам роҳбарони воломақом ба мисли Президенти мўхтарам Шавкат Мирзиёев ва роҳбарони вилоят аз ҳама пеш мардуми оддӣ, деҳқони хокпош хурматаш мекунанд, эҳтиромашро ҳамчун инсони бофарҳанг, марди солору хушғуфтор, роҳбари донову

Умумий ўрта таълим мактабларида ўтилаётган муסיқа фанига бўлган эътиборни шахсан мен мутахассис сифатида барча таълим масканларида талаб даражасида деб айта олмайман.

Вахоланки, давлатимиз раҳбари айни шу соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб, муסיқа ва театр санъатининг болалар тарбиясидаги муҳим аҳамиятини ҳақида таъкидлаб келяптилар.

Бугун мактабларда муסיқа фани ўқитилишининг сифат даражасини яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, жумладан, ушбу фан ўқитилиши учун зарур бўлган муסיқа асбоблари, қўлланма ва дарслиklar таъминотида қатор ислохотлар амалга оширилди. Деярли барча таълим муассасалари фан ўқитувчиларига эга. Фақат бугунгача ҳам бу фан шунчаки, болаларда муסיқа санъати ҳақида маълумот бериш учунгина, деган тасаввуримизни ўзгартирмаяпмиз, холос.

Эътибор қилганимиз, бола нега она алласини эшитиб тинчланади? Чунки она алласи муסיқа оҳангига йўрилган ҳолда айтилади. Шу маънода она алласи ҳар бир туғилган инсон ҳаётида илк бор эшитган муסיқа, қўшиқ ҳисобланади. Алла гўдакка руҳан ором беради, тинчлантиради. Фарзанд тарбияси, руҳиятини шакллантиришда муסיқанинг аҳамиятини англаш учун она алласини эслашнинг ўзи кифоя деб ўйлайман.

Муסיқа фани мактаб ўқувчиларида миллий ва жаҳон қўшиқчилик санъати, театр маданияти ҳақида умумий маълумотлар беришдан ташқари муסיқа, миллий чолғу санъати, театр санъати йўналишида иқтидорли ёшларни излаш, уларнинг иқтидорларини намоён этишларига кўмак берувчи бошланғич манба, пойдевор бўлиши керак. Ушбу фанни ўзлаштириш жараёнида, айниқса, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилиш яхши натижа бериши мумкин. Бу ҳамкорлиkning маъноси шундаки, тилшунос ўқитувчи келгусида қўшиқ санъати йўлида фаолият кўрсатиш истагида бўлган талабаларга қўшиқ яратиш жараёнида матн танлаш маҳоратини шакллантириши мумкин. Чунки ҳақиқий қўшиқ санъати сир-асрорларини эгаллашни истаган иқтидорли талаба яхши қўшиқ яратишдаги энг муҳим учта талаб – яхши

муסיқа, яхши матн (шеър) ва яхши ижро талабидан бири бўлган матн танлаш маҳоратини мактаб ёшидаёқ ўзлаштириш имконига эга бўлади. Бундан келиб чиқадики, ўқувчи муסיқа фанини ўзлаштириш жараёнида беихтиёр яхши шеър излашга, бинобарин китоб ўқишга қўникади. Шу маънода бу фан болаларда китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятли деб

чи томондан театр санъати талабидан келиб чиқиб болалар энг аввало, китоб ўқишга мажбур бўлишяпти. Кўриниб турибдики, қўшиқчилик ва театр санъати мактаб шароитида фарзандларимизни китобхонликка даъват қилувчи энг муҳим воситалардан бири ҳам экан.

Бир замонлар жуда кўп хонадонларда ҳеч бўлмаса бир дона миллий чолғу асбоби (аксарият ҳолларда танбур ёки ду-

лий чолғу асбобида муסיқа ижро этишни билиши керак”, деган талабни қўйган эдилар. Давлатимиз раҳбари мана шу тақлифлари биланок ёшлар тарбиясида муסיқа санъатининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ҳамонки Президент бу ҳақда олдимизга аниқ вазифа қўётган эканлар, демак, биз ҳам мактабларда муסיқа таълимига бўлган бугунги қарашларимиз, тасаввурларимизни ўзгартиришимиз, муסיқа, қўшиқчилик ва театр санъати ёш авлодни тарбиялаш, уларда миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда энг яхши тарбиявий восита эканлигини эътироф этишимиз керак бўлади.

Бугунги кунда мактаблардаги мавжуд муסיқа фани учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, болалар муסיқа мактаблари билан ҳамкорликда фарзандларимизда муסיқа санъати маданиятини шакллантиришга янада яхшироқ аҳамият қаратишнинг вақти келган деб ўйлайман. Айтайлик, бугунги кунда, айниқса, туманимиздаги 6-сонли муסיқа ва санъат мактабининг имкониятлари ҳам жуда катта. Мактаб ўқувчилари дарсдан бўш пайтларида мактаб муסיқа фани ўқитувчилари назоратида муסיқа ва санъат мактабида миллий чолғулар қаторида фортепиано ва бошқа замонавий муסיқа асбобларида ижро санъатини янада чуқурроқ ўрганишлари мумкин. Фақат, бунинг учун яна иккита муҳим шартга ҳам эътибор қилиш лозим. Биринчиси, ота-оналар ҳам фарзандларида агар муסיқа санъатига қизиқиш бўлса бепарво бўлмай, уларни муסיқа мактабига қўйишга имконият яратишсин. Иккинчидан, мактабларда муסיқа фани учун мутахассисларни шунчаки иш ўринини тўлдириб туриш учун эмас, балки мактаб муסיқа фани машғулотларини том маънода таълим-тарбия воситасига айлантиришни ўйлаб, шунга қодир мутахассисларни танлашни қатъий жорий қилиш лозим. Шундагина биз фарзанд тарбиясида муסיқа маданиятининг ролини оширишда давлатимиз раҳбари қўётган талабларни кўнгилдагидек бажариш имкониятига эга бўламиз.

Умид ТУРОПОВ,
22-умумий ўрта таълим мактабининг муסיқа фани ўқитувчиси.

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ҚЎШИҚЧИЛИК ВА ТЕАТР САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ



айтиш мумкин. Шу ўринда айнан санъатнинг китобхонлики ривожлантиришга таъсири ҳақида бир мисол келтироқчиман. Жорий йилда ҳам мактабларда яхши анъанага айланиб бораётган “Турон” болалар театр гуруҳларининг танлови ўтказилганидан хабарингиз бор. Мана шу танлов баҳонасида юзлаб талабалар сахна асари яратиш давомида ўзбек ва чет эл ёзувчилари, драматургларининг асарлари билан танишиб, уларни сахнада акс эттиришга ҳаракат қилишди. Бу биринчидан, юқорида эслатиб ўтганимдек, адабиёт билан театр, қўшиқчилик санъати ҳамкорлигининг кўриниши бўлса, иккин-

тор) сақлаш одат бўлган. Оила аъзолари кечки дам олиш пайтида навбат билан чолғу асбобида муסיқа ижро этиш ёки қўшиқ хиргойи қилиш орқали маданий ҳордиқ қилишган. Бунда миллий чолғу асбоби ва унда таралган миллий муסיқа инсонларни руҳан тинчлантириш борабаридан, фарзандларни миллий қадриятларимизга эътиром руҳида тарбиялашда яхши восита бўлган.

Муҳтарам Президентимиз таълим масканларида муסיқа санъатини ривожлантириш ҳақида фикр билдириб: “бундан кейин ўрта таълим мактабини битирган ҳар бир ўқувчи ҳеч бўлмаса иккита мил-

Ushbu qishloq maktabida ish boshlaganimga ko'p bo'lmadi. Ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar bugungi kunda har bir o'qituvchiga katta imkoniyatlar beriyapti.

Xususan, bugungi kunda mutaxassis pedagoglar o'zlari yashab turgan viloyatlaridan boshqa viloyatlardagi olis qishloq maktablarida ishlash istagini bildirsa, alohida imtiyozlar bilan ish taklif qilinadi. Men ham ana shu imkoniyatdan foydalangan holda Boysun tumani markazidan 65 chaqirim olisda

RANGTASVIR SEHRI



joylashgan Qo'rg'oncha hamda Nazari qishloqlaridagi maktablarda tasviriy san'at va chizmachilik fani o'qituvchisi sifatida yangi o'quv yilidan o'z faoliyatimni boshladim.

Hozircha asta-sekin sharoitlarga ko'nikayapman. Olis tog' qishlog'ining o'ziga xos odamlari, urf-odatlari, turmush tarzi bilan birdaniga kirishib, moslashib keta olmaymanmi, degan hadikda edim. Oradan o'tgan ikki-uch oylik vaqt davomida xavotirlarim o'rinsiz ekanligiga amin bo'lyapman. Sodda, kirishimli, mehmondo'st tog'liklar darrov yaqin odamlarimdek bo'lib qoldi. To'g'ri, maktabdagi sharoitlar shahardagidek emas, biroq kichik jamoa bilan yoshlar ta'lim-tarbiyasi sohasida yaxshi yangiliklar, izlanishlar qilishga umidim bor.

Darvoqe, bu yerlarning tabiati xuddi mening ko'nglimdagidek. Ayniqsa, men kabi rangtasvir ustasi uchun ayni muddao. Hozir kuz fasli tugadi, qish eshik qoqib turgan payt bo'lgani uchun, manzaralar ham shunga xos. Lekin bahor va yoz oylarida bu yerlar dunyoning jami ranglarini o'zida aks ettirishini hozirdanoq tasavvur qilyapman.

Meni xursand qiladigan jihati, bu yerdagi qishloq bolalari orasida ham masavirlikka, chizmachilik san'atiga qiziquvchilar borligi. To'g'ri, ularni hali bu sohada boshlang'ich tasavvurda, lekin men ish boshlaganimdan buyon ularning ko'pchiligida qiziqishlar asta-sekin jiddiy tus olib, kelajak orzulariga aylanayotgandek ko'rinadi.

Mana shunday iqtidorli o'quvchilarimdan biri 4-sinf talabasi Adham Burxonov. Men dastlabki mashg'ulotlardayoq unda,

ayniqsa, rangtasvir san'atiga bo'lgan ishtiyoqni sezgandim. Ma'lum vaqt mashg'ulotlarda ishtiroki, harakatlari, tabiatga, atrofidagi mavjud ranglarga alohida e'tiborini kuzatdim. Oddiy qalam va mo'yqalamda surat chizishga qiziqishlari ham ayni mana shu tabiatdagi ranglar tufayli. U shu ranglar ichida tug'ilgan, shu ranglar ichida voyaga yetyapti. Buni uning bolalarcha ishtiyoq bilan chizayotgan chizgilari, xomaki suratlaridan ham sezish qiyin emas. E'tibor qilsam, u har bir chizgan suratlarida tabiat go'zalliklarini, hayvonlar, qushlar, gul va daraxtlarni, hatto milliy ramzlarimizni ham o'ziga xos ohangda, bolalarcha mehr, bolalarcha soddalik bilan chizishga harakat qiladi.

Adhamdagi rangtasvirga bo'lgan qiziqish, e'tibori unda adabiyotga ham mehr uyg'otaypti. Uning rasmlar chizishdan tashqari she'r, kichik hikoyalari mashq qilishga ham e'tibor qildim. Ijod qudrati shunday, u hech qachon chegara tanlamagan, sarhad bilmas ne'mat. Agar unga ustozlar, birinchi navbatda uyda ota-onalar e'tibor qaratishsa, o'zi qiziqayotgan orzulari yo'lida qo'llab-quvvatlab turishsa, ishonchim komilki ijodga, rangtasvir san'atiga oshno murg'ak qalb ertaga bu sohada umidli iqtidorni yaratishga qodir bo'lishi shubhasiz.

Shu o'rinda pedagog sifatida, birinchi navbatda ota-onalarga bolalar tarbiyasi uchun muhim bo'lgan bir jihadni eslatib o'tmoqchiman. Har bir farzand Yaratganning qudrati bilan o'ziga xos yashirin iqtidor, xislat bilan dunyoga keladi. Bir kun kelib o'sha xislatlar o'zini namoyon qila boshlagach, birinchi galdada ota-onalar o'z farzandlaridagi ishtiyoq, iqtidorini chamalab, ularning ko'ngliga, orzu-niyatlariga qarab hayotga yo'naltirishga, tarbiyalashga harakat qilishlari lozim. Tan olish kerak, afsuski, bola tarbiyasi va kelajagi uchun eng dolzarb bo'lgan mana shu oddiy haqiqatni, ayniqsa, olis qishloqlardagi oilalarda e'tiborga olishmaydi. Oqibatda esa qanchadan-qancha iqtidorli bolalar o'z imkoniyatlarini namoyon qilishdan mahrum bo'lib qolyaptilar. Bu oilalar uchun ham, jamiyat uchun ham oxir-oqibat katta yo'qotish degan gap.

Eshitganimga ko'ra men vaqtincha yashab, faoliyat ko'rsatayotgan mana shu so'lim tog' qishloqlaridan ham o'z vaqtda ziyoli insonlar, allomalari, yetuk rahbarlar, shoirlar chiqqan ekan. Taniqli shoir, sharqshunos olim Ja'far Muhammad ana shulardan biri. Umid qilamanki, ularning Adham Burxonov kabi izdoshlari, nevaralari kelgusida boshqa sohalar qatorida adabiyot va rangtasvir sohasida ham yetuk insonlar bo'lib yetishib madaniyat, san'at va adabiyot sohasida nom qozongan Boysun ma'naviy hayotini yanada boyitishga xizmat qilishadi.

Mohichehra ARABOVA,
18-umumiy o'rta ta'lim maktabining rangtasvir va chizmachilik fani o'qituvchisi.

БОШИ 1-БЕТДА ДАБДАБА ЭМАС, ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИ МУҲИМ

“Тоғанларинг фарзандларинг таълим-тарбиясига буюрсин, солих, илмли, билимли болаларинг кўп бўлсин!” қабилдаги ниятларни эса деярли эшитмаймиз...

Албатта, тўй-маросимлар – бу ҳалқимиз миллий қадриятларининг ажралмас бир қисми. Аммо бугунги тўйлар аллақачон қадриятлар чегарасини бузиб ўтган. Биз жамиятда маромийлик кайфиятини шакллантириш орқали оилавий маросимларимизни ҳар қанча дабдаба-бозлик, ортиқча ҳашаматлардан холи қилган ҳолда миллий қадриятларимиз талабига, маромига жавоб берадиган андозага қайтаришимиз керак. Зотан, маромийлик дастурининг бош мақсади ҳам ҳалқимиз орасида ихчамлик, камтарлик ва шукроналик маданиятини мустаҳкамлаш, тўй ва маракаларни миллий қадриятларимизга мос равишда ўтказишни одатга айлантиришдир.

Оилавий тадбирлар, тўй-маросимларни ихчамлаштириш орқали биз бугунги кунда оилаларда юз бераётган бир қанча муаммоларга ечим тоған, уларни юмшатган, умуман оилавий муҳитни маромийлаштирган бўламиз. Ижтимоий сўровлар, расмий маълумотларга кўра дабдабали тўйлар, охири-оқибат жамият тараққиётига ҳам салбий раҳна солмоқда. Айниқса, кам даромадли ва ўртача даромадга эга оилаларга бугунги оилавий маросимлар жуда катта ташвишларни рўпара қилляпти. Хусусан, “бошқалардан кам бўлмаслик” мақсадида ҳашаматли тўй ўтказаман деб катта қарз кўтариш туйғайли кейинчалик кўпала оилалар паторат топмокда. Зотан, бугунги кунда рўй бераётган оилавий ажримларга айнан дабдабали ҳою ҳаваслар, қарз-қавола қилиб тўй ўтказишлар сабаб бўляпти. Айниқса, “ким ўзар”га ўтказилаётган серхаражат тўйлар пировард натижада фарзандлар келажагига, миллат генофондига ҳам жиддий салбий таъсир қилляпти, бу ҳолни бемалол келажакка, миллат, ҳалқ равнақиғага отилаётган тош сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Юқорида мен муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари қайд этган ташвишли рақамни бекорга эслатмадим. Аслида ҳазрат тил-



га олиб ўтган ҳашамат, дабдаба учун ҳар йил соврилаётган 40 триллион сўм маблағ оила фаровонлиги, фарзандлар камоли, соғлом турмуш тарзи учун истифода қилинганда эди, давлат ҳам, жамият ҳам бугунгидан-да анча илдамлаган бўларди. Бунга алоҳида таъкидлаётганимнинг боиси шуки, давлат ҳалқ фаровонлиги, эл-юрт бойлиги ва мустаҳкамлиги учун қанчалик интилимасин, қанчалик маблағ сарфламасин, аввало, оилада оила бюджетини самарали тақсимлаш, уларнинг асосий қисмини фарзандлар таълим-тарбияси учун инвестиция қилишни ўрганмасак, жамиятда маънавий муҳитни тўлақонли шакллантирмасак, миллий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини англаб етмасак, биз истаган иқтисодий-ижтимоий тараққиётга ета олмаймиз.

Аччиқ бўлса-да тан олиш керак, бизнинг оилаларда оила бюджетини фарзандлар учун сарфлаш ўрнига кераксиз дабдабалар, ҳою ҳавасларга ёпишиб олганимиз меваси ўлароқ бугунги ёшларимизнинг аксарияти ҳориж мамлакатларида энг оғир шароитларда пул топишга, рўзгор тебратишга мажбур бўлишяпти. Ачинарлиси шундаки, биз катталар уларнинг машаққат эвазига тоғанларини ҳам охир-оқибат яна тўйлар, оилавий дабдабали маросимларга сарфляяпмиз...

Ҳеч бўлмаса бугунги ёш авлод ана шундай қисматга дучор бўлмасликлари учун ҳам оилада, жамиятда, миллий қадриятларни ҳурмат қилишда маромийликка эришишни ўрганайлик. Ўткинчи ҳою ҳавасни эмас, фарзандларимиз, миллатимиз келажагини ўйлаб ақл билан иш тутаёлик. Керак бўлса бу ишга фақат оилалар, маҳаллалар эмас, балки бутун жамият, жамоатчилик бош қўшиши зарур. Зотан, миллий қадриятларни ҳар қандай бачканалиқдан холи тутиш, келажакимиз яратувчилари бўлган ёш авлод таълим-тарбияси ва мамлакат тараққиёти учун қайғуриш барчамизнинг бурчимиз, вазифамиздир.

Туман кадастр хизмати томонидан Ҳамроев Насрулло номига берилган 100008624 серия рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

 BOYSUN	BOSH MUHARRIR Davron OROPOV NAVATCHI: Nodira JO'RAQULOVA. Internet materiallaridan foydalaniladi.	Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududini boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda. ISSN 2181-7073	Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma № Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul - tijorat materiali.	Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. «BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim. Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.	TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@uamail.uz Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.
---	---	---	--	--	---